



## ТЕРРОРИЗМ ПРОФИЛАКТИКАСИНИНГ ЎЗИГА ХОС ХУСУСИЯТЛАРИ

Отакулов Ниёзбек Анвар ўғли

ИИБ Академияси тезкор-қидирув фаолияти  
кафедраси ўқитувчиси

<https://doi.org/10.5281/zenodo.7485364>

### ARTICLE INFO

Received: 17<sup>th</sup> December 2022

Accepted: 26<sup>th</sup> December 2022

Online: 27<sup>th</sup> December 2022

### KEY WORDS

Терроризм, профилактика, терроризм профилактикаси, терроризмга қарши кураш, субъектлар, чора-тадбирлар.

### ABSTRACT

Мазкур мақолада терроризм профилактикаси тушунчаси, вазифалари, чора-тадбирлар, терроризмга оид статистик маълумотлар, хорижий олимларнинг терроризм профилактикасига оид илмий қарашлари ўрганилган. Таҳлиллар натижасида терроризм профилактикасини такомиллаштиришга доир илмий хулоса, амалий таклиф ва тавсиялар ишлаб чиқилган.

Бугунги кунда, терроризм ва у билан боғлиқ жиноятларнинг ижтимоий хавфлилик даражаси ошиши бутун инсониятга таҳдид соладиган барча турдаги жиноятлардан устун келмоқда. Иқтисодиёт ва жаҳон институти томонидан ҳар йили ўтказиладиган кенг қамровли тадқиқот дунё аҳолисининг 99,7 фоизи истиқомат қиладиган 163 мамлакатга терроризмнинг таъсир қилувчи омиллари ўрганади. Тадқиқот натижалари шуни кўрсатмоқдаки 2021 йилда дунё бўйлаб содир этилган умумий терактлар сони 5 226 тага кўпайган бўлса-да, ўлимлар сони 1,2 фоизга камайган. Терроризм кўпроқ концентрацияланган бўлиб, 119 мамлакатда ўлим ҳолатлари қайд этилмаган, бу эса 2007 йилдан бери энг яхши кўрсаткичдир. Бироқ дунё ривожлангари сари терроризм ҳам ривожланиб бормоқда. Террористлар дронлар, GPS тизимлари ва шифрланган

хабар хизматларини ўз ичига олган илғор технологиялардан фойдаланишмоқда<sup>1</sup>.

Ушбу глобаллашув шароитида ҳамда халқаро ва минтақавий можаралар трансформацияси давом этаётган бир пайтда, терроризм ва у билан боғлиқ жиноятларга қарши самарали курашиш масаласи мамлакатимиз учун долзарб муаммолардан бири бўлиб қолмоқда. Хусусан, давлатимиз раҳбари томонидан “2021-2026 йилларга мўлжалланган экстремизм ва терроризмга қарши курашиш бўйича Ўзбекистон Республикаси миллий стратегиясини тасдиқлаш тўғрисида”ги Фармони қабул қилинди<sup>2</sup>.

<sup>1</sup> Глобальный индекс терроризма 2022 г. <https://www.visionofhumanity.org/global-terrorism-index-2022-key-findings-in-6-charts/>

<sup>2</sup> Ўзбекистон Республикаси Президентининг 01.07.2021 й. ПФ-6255-сон “2021-2026 йилларга мўлжалланган экстремизм ва терроризмга қарши курашиш бўйича Ўзбекистон Республикаси миллий стратегиясини тасдиқлаш тўғрисида”ги Фармони <https://lex.uz/docs/111453>



Стратегия Ўзбекистон Республикасининг Конституцияси, халқаро ҳуқуқ ва Ўзбекистон Республикаси халқаро шартномаларининг умумэътироф этилган тамойил ва нормаларига асосланган бўлиб, Ўзбекистон Республикасининг “Терроризмга қарши кураш тўғрисида”ги, “Экстремизмга қарши курашиш тўғрисида”ги, “Жиноий фаолиятдан олинган даромадларни легаллаштиришга ва терроризмни молиялаштиришга қарши курашиш тўғрисида”ги ҳамда “Виждон эркинлиги ва диний ташкилотлар тўғрисида”ги қонунларининг қоидаларини амалга оширишга қаратилган<sup>3</sup>.

Ушбу фармон билан терроризмга қарши курашиш соҳасидаги давлат органлари фаолиятининг устувор йўналишлари белгиланди.

Стратегиянинг устувор йўналишлари этиб экстремизм ва терроризм мафқураси тарқалишининг олдини олиш мақсадида ватанпарварлик, анъанавий кадриятлар ва бағрикенглик ғояларини тарғиб қилиш; вояга етмаганлар ва ёшлар орасида экстремистик ғоялар тарқалишининг олдини олиш; хотин-қизлар ҳуқуқларини ҳимоя қилиш ва уларнинг экстремизм ва терроризмга қарши курашишдаги ролини кучайтириш; узоқ муддат хорижда бўлган фуқароларни экстремизм ва терроризм ғоялари таъсиридан ҳимоя қилиш; экстремистик ва террорчилик мақсадларида интернет жаҳон ахборот тармоғидан фойдаланишга қарши курашиш; фуқаролик жамияти институтлари ва оммавий ахборот

воситаларнинг экстремизм ва терроризмга қарши курашишда иштироки, экстремистик ва террорчилик ҳаракатларини содир этганлик ҳамда уларни молиялаштирганлик учун ҳуқуқий таъқиб ва жавобгарликка тортиш чораларини такомиллаштириш; экстремизм ва терроризмга қарши курашиш соҳасидаги норматив-ҳуқуқий базани такомиллаштириш; ушбу соҳадаги халқаро ва минтақавий ҳамкорлик қилиш белгиланди.

Мамлакатимизда терроризмни олдини олиш, унга қарши курашиш бўйича ҳуқуқий асослар яратилган бўлиб Ўзбекистон Республикасининг 15 декабрь 2000 йилдаги “Терроризмга қарши кураш тўғрисида”ги Қонуни<sup>4</sup> терроризмга қарши кураш соҳасидаги муносабатларни тартибга солади, Шунингдек шахс, жамият ва давлатнинг терроризмдан хавфсизлигини таъминлаш, давлатнинг суверенитетини ва ҳудудий яхлитлигини ҳимоя қилиш, фуқаролар тинчлиги ва миллий тотувликни кафолатловчи ҳуқуқий ҳужжат хисобланади.

Бизнинг фиркримизча, ҳозирги ривожланиб бораётган бир даврда юқорида келтириб ўтилган норматив-ҳуқуқий ҳужжатларни халқаро тажрибани ўрганган ҳолда такомиллаштириб бориш лозим.

Ўрганишлар шуни кўрсатмоқдаки, БМТнинг терроризмга қарши курашиш бўйича глобал Стратегияси (БМТ Бош Ассамблеясининг 2006 йил 8 сентябрдаги 60/288-сонли қарори

<sup>3</sup> <https://lex.uz/docs/5491626>

<sup>4</sup> Ўзбекистон Республикасининг 15 декабрь 2000 йилдаги “Терроризмга қарши кураш тўғрисида”ги Қонуни <https://lex.uz/docs/29526>



билан қабул қилинган), Шанхай ҳамкорлик ташкилотининг терроризмга қарши Конвенцияси (Екатеринбург, 2009 йил 16 июнь) ва бошқа бир қатор халқаро ҳужжатларда терроризмни олдини олиш ва профилактикасига доир алоҳида нормалар мавжуд. Жумладан, Шанхай ҳамкорлик ташкилотининг терроризмга қарши Конвенциясининг 12-моддасида “Терроризмнинг олдини олиш ва унга қарши курашиш мақсадида томонларнинг ваколатли органлари сўров бўйича ёки уларнинг ташаббуси билан ушбу Конвенцияда назарда тутилган масалалар тўғрисида бир-бирларига маълумот (ҳужжатлар, материаллар, бошқа маълумотлар) тақдим этадилар”.<sup>5</sup>

Ҳозирги кунда республикамизда терроризмга қарши курашиш бир неча йўналишларда олиб борилмоқда (террорчилик фаолиятининг олдини олиш, уни аниқлаш, унга чек қўйиш ва унинг оқибатларини минималлаштириш). Бироқ терроризм профилактикаси асосий фаолият йўналишларидан бири сифатида тан олинмаётганлиги юртимизда терроризм ва у билан боғлиқ жиноятларнинг кўпайишига, миллий хавфсизлигимизга жиддий хавф туғдиришига сабаб бўлади.

Террорчилик ташкилотлари ва экстремистик кайфиятдаги одимлар томонидан ортиб бораётган таҳдидлар террорчилик жиноятларига қарши

самарали профилактика чораларини ишлаб чиқишни тақозо этди<sup>6</sup>.

Шундай экан, терроризм профилактикасини тадқиқот ишимизнинг асосий йўналишлар сифатида белгилаб олдик.

Тадқиқот иши давомида, терроризм профилактикасига оид адабиётлар, амалдаги халқаро қонунлик, миллий ва хорижий олимларнинг фикр ва мулоҳазалари атрофлича ўрганилди ҳамда таҳлил қилинди. Хусусан, В.Ю.Бельский, террорчилик фаолиятини амалга оширишга ёрдам берадиган сабаб ва шароитларни аниқлаш ва бартараф этишга қаратилган чора-тадбирлар мажмуини ўз ичига олган фаолият терроризм профилактикаси деб таърифлайди<sup>7</sup>.

Терроризмнинг профилактикасини амалга ошириш йўналишлари бўйича таҳлиллар натижасида, ушбу турдаги профилактикани учта асосий йўналишда амалга оширилиши мумкинлигини кўриб чиқдик, жумладан:

- терроризм ва экстремизм мафкурасига қарши курашни тизимли ташкил этиш ва амалга ошириш;
- терроризмнинг потенциал объектларини ҳимоя қилишни такомиллаштириш;
- терроризмга қарши курашда маъмурий, ҳуқуқий ва бошқа ўрнатилган тартиботга амал қилиш устидан назоратни кучайтириш.

<sup>6</sup> Киреев А.С. Политико-правовые основы профилактики этнополитического экстремизма в Российской Федерации: Дисс. ... канд. полит. наук. – М., 2003. – С. 15.

<sup>7</sup> Бельский В.Ю., Журавлев Д.А., Репьев А.М. Терроризм как социально-политическое явление. Противодействие в современных условиях: монография / под ред. В.Ю. Бельского, А.И. Сакуты. – М.: ЮНИТИ-ДАНА, 2015. – 367 с

<sup>5</sup> Шанхай ҳамкорлик ташкилотининг терроризмга қарши Конвенцияси (Екатеринбург, 2009 йил 16 июнь)  
<https://www.mchs.gov.ru/deyatelnost/protivodeystvie-terrorizmu/mezhdunarodnye-pravovye-akty>



Биринчи йўналиш, терроризм мафкурасига қарши кураш давлатнинг мавжуд ижтимоий ва сиёсий институтларини тубдан ўзгартиришга қаратилган фикрлар, эътиқод, ғоя, мотив ва бошқа муносабатларнинг жамиятда тарқалишининг олдини олиш бўйича ташкилий, ижтимоий-сиёсий, тарғибот-ташвиқот тадбирларини ўз ичига олади.

Д.В. Карабаш ва С.Л. Лазицкийлар терроризмнинг потенциал объектлари сифатида ҳар қандай жисмоний ва юридик шахслар, уларнинг мулки, яшаш жойлари, кўчмас мулк объектлари, муҳим инфратузилма, транспорт, алоқа ва ахборот тармоқлари кўриб чиқилиши мумкин<sup>8</sup> деб фикр билдириб ўтишган.

Бизнинг фикримизча, терроризм профилактикаси қуйидаги вазифаларни бажаради:

- терроризмнинг пайдо бўлиши ва тарқалишига ёрдам берадиган сабаб ва шароитларни бартараф этиш бўйича тавсиялар ишлаб чиқиш ва чора-тадбирларни амалга ошириш;
- террористик таҳдидларни аниқлаш ва прогнозлаш, уларни зарарсизлантириш чораларини кўриш учун давлат ҳокимияти ва маҳаллий ўзини ўзи бошқариш органлари, шунингдек жамоатчиликни хабардор қилиш;
- экстремистик ҳаракатларга мойил бўлган шахслар (гуруҳлар) хатти-ҳаракатлари устидан доимий назорат ўрнатиш ва уларга ижобий таъсир кўрсатиш;
- террористик таҳдид мавжуд бўлган тақдирда терроризмга қарши курашиш

субъектларининг фаолиятини ҳуқуқий тартибга солиш ва уларнинг ҳамкорлигини таъминлаш;

– терроризмга қарши курашиш чора-тадбирларини ишлаб чиқиш, ташкил этиш ва молиялаштириш манбаларини кўрсатиш;

Ўтказилган тадқиқот иши давомида, терроризм профилактикаси чора-тадбирларини қуйидаги гуруҳларга бўлиб ўрганиш лозим:

- сиёсий;
- ижтимоий-иқтисодий;
- ҳуқуқий;
- тарғибот-ташвиқот ишлари;
- маданий-маърифий;
- ташкилий-техник.

Ушбу чора-тадбирлар жамиятда терроризм билан боғлиқ ижтимоий-сиёсий вазиятни нормаллаштиришга, ижтимоий муаммоларни ҳал этишга, терроризмга қарши курашиш соҳасидаги халқаро ҳамкорликни ривожлантиришга хизмат қилади.

Бизнинг фикримизча, терроризмга қарши самарали курашда биринчи навбатда давлат ҳокимияти органлари, жамоат ташкилотлари ва бирлашмалари, шунингдек диний тузилмалар, фуқаролик жамиятининг бошқа институтлари ва, албатта, фуқароларнинг ҳуқуқни муҳофаза қилувчи органлар билан ўзаро ҳамкорлиги муҳим рол уйнайди.

Бу борада хорижий тажрибага мурожаат этсак, Россия, АҚШ, Исроил, Туркияда терроризмга қарши муваффақиятли ҳаракатлар ҳуқуқни муҳофаза қилувчи органлар фаолиятини тўғри режалаштириш, мувофиқлаштириш ва бошқаришга боғлиқлигини кўришимиз мумкин.

<sup>8</sup> Карабаш Д.В., Лазицкий С.Л. Общегосударственная система противодействия терроризму // Вестник краснодарского университета МВД России. – 2013. – 136 с.



Бундан ташқари, терроризмга қарши курашда давлат ҳокимиятини, саноат корхоналари ва муассасаларида терроризм профилактикаси чораларини кучайтириш терроризм ва у билан боғлиқ жиноятларни олдини олишда алоҳида аҳамиятга эга.

Ўтказилган таҳлилларни умумлаштириб, шундай хулосага келиш мумкин: *терроризм профилактикаси* деганда, терроризмга қарши курашиш субъектларининг фаолияти бўлиб, терроризм билан боғлиқ жиноятларни аниқлаш, уларга барҳам бериш, шунингдек ушбу жиноятлар содир этилишига имкон бераётган шарт-шароитларни аниқлаш, бартараф этиш мақсадида қўлланиладиган ҳуқуқбузарликлар умумий, махсус, якка тартибдаги ва виқтимологик профилактикасининг чора-тадбирлар мажмуаси тушунилади. Ушбу таърифдан келиб чиқиб, Ўзбекистон Республикасининг “Терроризмга қарши кураш тўғрисида”ги Қонунининг 2-моддасини терроризм профилактикаси тушунчаси билан тўлдириш мақсадга мувофиқ<sup>9</sup>.

Олиб борилган изланиш натижаларига таянган ҳолда мамлакатимизда терроризмни олдини олиш, бундай ҳодисаларнинг оқибатларини бартараф этиш, хусусан, аҳоли ўртасида радикал қарашларни камайтиришга қаратилган қўйидаги таклифлар ва тавсиялар ишлаб чиқилди:

– ҳуқуқий маданиятни шакллантириш бўйича комплекс чора-тадбирларни амалга ошириш. Хусусан, таълим ва тарбиянинг ҳуқуқий таркибий қисмининг кенгайтириши. Ўз ҳуқуқ ва

эркинликларини билиш ёш авлоднинг бошқаларнинг ҳуқуқлари ва эркинликларига, шу жумладан уларнинг ҳаёти, соғлиғи ва кадр-қимматига ҳурмат туйғусини ривожлантиришга ёрдам беради;

– аҳолининг ижтимоий ва моддий хавфсизлиги даражасини ошириш, ёш мутахассисларни иш билан таъминлашда ёрдам бериш, улар учун уй-жой дастурларини қўллаб-қувватлаш;

– терроризмга қарши кураш субъектлари томонидан профилактик чора-тадбирлар режасини ишлаб чиқиш, хорижий тажрибани ўрганган ҳолда такомиллаштириб бориш;

– мавжуд норматив-ҳуқуқий ҳужжатлар базасини халқаро тажрибани ўрганган ҳолда такомиллаштириб бориш лозим.

<sup>9</sup> Ўзбекистон Республикасининг Қонуни, 15.12.2000 йилдаги 167-II-сон <https://lex.uz/docs/29526#29625>



## References:

1. Глобальный индекс терроризма 2022 г. <https://www.visionofhumanity.-org/global-terrorism-index-2022-key-findings-in-6-charts/>
2. Ўзбекистон Республикаси Президентининг 01.07.2021 й. ПФ-6255-сон "2021-2026 йилларга мўлжалланган экстремизм ва терроризмга қарши курашиш бўйича Ўзбекистон Республикаси миллий стратегиясини тасдиқлаш тўғрисида"ги Фармони <https://lex.uz/docs/111453>
3. <https://lex.uz/docs/5491626>
4. Ўзбекистон Республикасининг 15 декабрь 2000 йилдаги "Терроризмга қарши кураш тўғрисида"ги Қонуни <https://lex.uz/docs/29526>
5. Шанхай ҳамкорлик ташкилотининг терроризмга қарши Конвенцияси (Екатеринбург, 2009 йил 16 июнь) <https://www.mchs.gov.ru/deyatelnost/protivodeystvie-terrorizmu/mezhdunarodnye-pravovye-akty>
6. Карабаш Д.В., Лазицкий С.Л. Общегосударственная система противодействия терроризму // Вестник краснодарского университета МВД России. – 2013. – 136 с.
7. Бельский В.Ю., Журавлев Д.А., Репьев А.М. Терроризм как социально-политическое явление. Противодействие в современных условиях: монография / под ред. В.Ю. Бельского, А.И. Сацуты. – М.: ЮНИТИ-ДАНА, 2015. – 367 с
8. Ўзбекистон Республикасининг Қонуни, 15.12.2000 йилдаги 167-II-сон <https://lex.uz/docs/29526#29625>
9. Киреев А.С. Политико-правовые основы профилактики этнополитического экстремизма в Российской Федерации: Дисс. ... канд. полит. наук. –М., 2003. – С. 15.